Ушбу сонда:
Ўз кўнглининг заргари 3

TV 5-6

«Алишербек назири йўқ киши эди...» 8



ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI    www.xabar.cc.uz    orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan    2005-yil, 4-fevral, 5 (646)-son    Sotuvda narxi erkin

## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

♦ **Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.**

♦ *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши 1 феврал куни ўзининг биринчи мажлисини ўтказди. Мажлисда парламент қуйи палатаси қўмиталарининг раислари, сиёсий партиялар фракцияларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов олиб борди.*

♦ ***Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг “Независимая газета” мухбири саволларига жавобларини “Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди” номида рисола тарзида чоп этди.***

♦ *Самарқанд давлат чет тиллар институтида янги ахборот технологиялари маркази очилди. Марказга Жанубий Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан 20та компютер ва катта экранли телевизор совға қилинди.*

♦ ***Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти марказий кенгашида Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Унда Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги академик-лицей ўқувчилари, шоир ва ёзувчилар, адибнинг яқинлари иштирок этдилар.***

Иғрак
Бизнинг Интернет ҳамкоримиз





## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борди.***

***“Сиҳат-саломатлик йилини муносиб ўтказиш бўйича соҳа чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т.Назаржонов маъруза қилди.***

**Маърузада таъкидланишича**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил, 15 декабрдаги “Сиҳат-саломатлик йили” Давлат дастурини шакллантириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши ва “Сиҳат-саломатлик йили Давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинганди. Президент Фармойишининг бажарилишини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу дастурни амалга ошириш Комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилган.

Йиғилиш қарори билан “Сиҳат-саломатлик йили” Дастурини йўналиш бўйича шакллантириш ишчи гуруҳининг таркиби, амалий режа, тавсиялар, дастур асосида таклифларни ишлаб чиқиш бўйича республика вилоятларига юбориладиган комиссия аъзолари рўйхати тасдиқланган.

Президент Фармойишида Давлат дастурини шакллантиришда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган йўналишлар белгилаб берилди. Жумладан, одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлиғини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзи, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, соғлиқ учун зарарли ва хавфли одатлардан воз кечиш, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга йўналтирилган ҳаётни шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом она — соғлом бола мақсадли вазифасини амалга ошириш, ёшларни оилавий ҳаётга ва соғлом оила қуришга тайёрлаш, аҳоли, айниқса, қишлоқ жойларида яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги маълумоти ва маданиятини ошириш, пенсионер ва ногиронларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санаторий-курорт ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология меъёрларини татбиқ этиш, аҳоли кенг қатламлари орасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни авж олдириш, айниқса, болаларни спортга жалб қилиш кўзда тутилган.

Юқорида қайд этилган ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Агентлик ишчи гуруҳининг таркиби тасдиқланди. Барча акциядорлик компаниялари, корхона, ташкилот ва муассасаларда Сиҳат-саломатлик йилини муносиб ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Режага оила ва унинг ҳар бир аъзосининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалик, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, аҳоли саломатлиги ва ижтимоий муҳофазасини сақлаш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича тадбирлар, шунингдек, кундалик соғлом ҳаёт тарзини жорий қилиш мақсадида соҳа ходимларида ўз соғлиғига нисбатан тўғри ва фаол муносабатни шакллантириш ҳамда маданий-соғломлаштириш, спорт тадбирларини ўтказиш масалалари киритилган. Ушбу тадбирлар режаси ҳайъат йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди ва уни тўлдириш, бойитиш юзасидан таклифлар киритилди.

Муҳокамаларда “Ўзбекистон почтаси” АЖ бош директори Р.Зикиров, Тошкент ахборот технологиялари университети ректори С.Қосимовлар сўзга чиқишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ҳайъатда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***И.АҲМЕДОВ***

***С. НАСЛЕДОВ олган суратлар***

## Обуна — доимий жараён

***Юртимиз ва хорижда чоп этилаётган даврий нашрларга обуна уюштириш «Ўзбекистон почтаси» АЖ зиммасидаги муҳим вазифалар сирасига киради. Ушбу йўналишда фаолият юритиш орқали халқ тафаккури, билим даражасини оширишдек савобли ишга ҳисса қўшиш баробарида салмоқли даромад олиб, соҳани ривожлантиришнинг истиқболлари мавжуд.***

**Акциядорлик жамиятида** ҳар йил бошида ўтган обуна мавсуми якунлари муҳокама этилиб, ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиб борилади. Обуна натижаларини билдирувчи асосий кўрсаткич-мезонлардан бири обуначилар сони ҳисобланади. Маълумотларга кўра, 2005 йилнинг 1 январига келиб газеталарга обуна бўлганлар сони 458934тани, журналларга эса 351729тани ташкил этди.

«Ўзбекистон почтаси» АЖнинг Бухоро (132 фоиз), Навоий (118), Қорақалпоқ (111), «Тошкент почтамти» (110), Фарғона (109), Жиззах (106), Сурхондарё (103), Наманган (102), Тошкент (101) филиалларида обуна ишлари яхши йўлга қўйилганлиги натижасида белгиланган режалар ошиғи билан бажарилди. Бироқ сусткашликка йўл қўйган Андижон (86 фоиз), Самарқанд (88), Хоразм (88) ва Сирдарё (95) филиалларида ўтган йил даражасига ҳам эришилгани йўқ.

Ўринли савол туғилади: Хўш, филиаллар кўрсаткичлари ўртасидаги тафовутларнинг сабаби нимада?

Назаримда, айрим филиаллар раҳбарлари томонидан обунани ташкил қилиш бўйича тадбирларнинг бажарилиши етарлича назорат қилинмаган. Обунани жадаллаштиришнинг муҳим омили ҳисобланмиш тарғибот-ташвиқот ишларига, бошқача айтганда, рекламага умуман эътибор берилмаган.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиш даврида пайдо бўлган бир қанча фирмалар, хусусий корхоналар бугунги кунда обуна ва турли почта хизматлари бўйича ҳам ўз таклифларини киритмоқдалар. Улар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг юқори савияда эканлиги ҳамда реклама имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор беришаётганлиги илгари обуна соҳасида ягона бўлган, монопол мавқега эга почта корхоналари учун бугунги кунда мураккаб вазиятни юзага келтирмоқда. Бундай шароитда алоқа бўлимида хотиржамлик билан обуначини кутиб ўтирмасдан тезда керакли тадбирлар кўрилмас экан, обуна ҳажми кескин камайиб кетиши мумкин.

(Давоми 2-бетда.)

# Обуна — доимий жараён

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларнинг таълим ва тарбиясида матбуотнинг аҳамияти беқиёс эканлиги инобатга олиниб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан обуна мақсадлари учун халқ таълими тизимига катта миқдорда маблағ ажратилмоқда. «Ўзбекистон почтаси» АЖ филиаллари раҳбарларига вилоят халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда обунани почта корхоналари орқали расмийлаштириш топширилган. Кўпгина почта филиаллари масалага жиддий ёндашиб, зудлик билан халқ таълими бошқармаларига ўз хизматларини таклиф қилиб, обунани почта орқали расмийлаштирдилар. Жумладан, Навоий филиали бу борада салкам 50000000 сўмлик обуна уюштирди. Афсуски, баъзи филиаллар раҳбарларининг лоқайдлиги туфайли катта ҳажмдаги обуна матбуот нашрларини тарқатувчи бошқа корхоналарга ўтиб кетди.




Демак, рақобат ортиб бораётган бир шароитда почта корхоналарининг матбуот тарқатишдаги асосий вазифаси — хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, мамлакатимизнинг ҳали бошқа рақобатчиларнинг "қадами етмаган" чекка жойларини қамраб олган, яхши ривожланган анъанавий почта тармоғидан самарали фойдаланиш, чакана савдо захираларини ишга тушириш ва албатта, юқорида таъкидланганидек, реклама имкониятларидан унумли фойдаланишдир. Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, бугунга келиб республикамиз почта тармоғида 3017 алоқа бўлими, 189 туман ва шаҳар почта алоқа боғламаси ҳамда 6879 етказиб бериш участкалари мавжуд.

Тармоғимиздаги оғриқли нуқталардан яна бири бу — почта корхоналарида даврий нашрларнинг чакана савдоси яхши йўлга қўйилмаганлигидир. Чакана савдо улуши обуна миқдорининг 4-5 фоизини ташкил қилади, холос. Буни фақат аҳолининг даврий нашрларга бўлган талаби яхши ўрганилмаслиги ва нашрлар сотувга кеч чиқарилиши билан изоҳлаш мумкин.

Обунада юқори натижаларга эришиш кўп жиҳатдан даврий нашрларни ўқувчилар қўлига ўз вақтида етказиб беришга боғлиқ. Газеталар, айниқса, кундалик газеталар ўқувчи қўлига бир кун кеч борса ҳам ундаги маълумотлар ўз аҳамиятини йўқотади, тўғрироғи "эскиради".

Обуначиларни имкон қадар кўпроқ жалб қилиш учун почта корхоналари таҳририятлар ва бошқа матбуот тарқатиш ходимлари билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсаларгина юқори натижаларга эришиш мумкин. Бу борада таҳририятлар олиб бораётган ишларни айтиб ўтиш лозим. Кўплаб газеталар саҳифаларини варақлар экансиз, обунада юқори натижаларга эришган жамоаларга қимматбаҳо совғалар ажратилганига кўзингиз тушади. Кўпгина вилоят почта корхоналарида ҳам обунада юқори натижаларга эришган ходимларни рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилган ва у амалда қўлланилмоқда.

Масалан, алоқачиларимизнинг ягона нашри бўлган «Хабар» газетаси ҳам 2005 обуна йилини уюшқоқлик билан ўтказиш учун танлов эълон қилди. Танлов шартларига кўра, газетага тўлиқ бир йиллик обуна қилишда юқори натижаларга эришган алоқа боғламалари ва бўлимларига қимматбаҳо совғалар топшириш мўлжалланган эди. Танлов натижаларига кўра, Навоий шаҳрининг 1-алоқа бўлими жамоаси совриндор сифатида видеомагнитофон билан тақдирланди. Навоий шаҳар почта алоқа бўлимининг «Xabar» газетаси обунасида совриндор бўлиши вилоят почта раҳбарларининг обунага масъулият билан жиддий ёндашганлигининг натижасидир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, обунага салбий таъсир қилаётган омиллардан яна бири унга мавсумий бир жараён сифатида қарашдир. Кўпинча почта корхоналари раҳбарлари йил бошидан бўладиган обунани якунлаб, хотиржамлик кайфиятига тушиб қоладилар. Обуна — доимий жараён. У йил давомида мунтазам, юқори суръат билан амалга ошириб борилса, кўзланган натижаларга эришишимиз мумкин.

***Диляра ФАИЗОВА,***
***"Ўзбекистон почтаси" АЖ обуна бўйича ишларни ташкил этиш гуруҳи раҳбари***

TATU HAYOTIDAN

***Ахборотга бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши алоқа тизимларининг янгидан-янги қирраларини очишни талаб этмоқда. Илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланиши эса барча соҳаларда қатор янгиликларнинг жорий этилишига олиб келяпти. Бундай ислоҳотлар алоқа соҳасида ҳам юз бермоқда. Уяли, телефон, транкинг алоқалари сингари тизимлар ахборот алмашиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бу жараёнда юксак малакали кадрларнинг тутган ўрни муҳим аҳамиятга эгадир.***

# Замонавий дастурлар асосида

**Университетимизнинг** «Телематика тизимлари» кафедраси ўқитувчилари талабаларга дарс бериш билан бирга, уларнинг дарсдан ташқари пайтларда ҳам ўз билимларини оширишга ундаб келишмоқда. Кафедра замонавий тизимларда маълумотларни узатиш бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашга кўмаклашяпти. 1999 йилдан телекоммуникация йўналишидаги магистрларни телематика ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш ҳам йўлга қўйилди. Ҳозирда янги дастур асосида талабаларга билим берилмоқда.



Кафедрани 2001 йилдан буён техника фанлари номзоди, доцент Наргиза Усмонова бошқариб келмоқда. Унинг раҳбарлигида кўпгина ишлар амалга оширилди. Талабаларнинг маълумотлар билан кўпроқ ишлашларини ва янги технологиялар билан танишишларини таъминлаш мақсадида Интернет тармоғига уланган мултимедиа синфи ташкил этилди. Ёшлар Интернет тармоғига уланиб, керакли маълумотларни олишмоқда. Бундан ташқари, битирув ишларининг электрон ўқитиш дастурига асосланиши юқори босқич талабаларига технологияларни ўрганишда катта манба вазифасини бажараётир. Ўтган ўқув йилида 20дан ортиқ электрон ўқитиш дастури тайёрланди. Лаборатория ишлари макетларда бажарилиш билан бирга, компютерларда виртуал тарзда ҳам амалга оширилмоқда. Бу эса талабанинг олган назарий билимларини ҳар томонлама таққослаш орқали тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради. Мазкур ишларнинг йўлга қўйилишида кафедра мудири Н.Усмонова ҳамда ўқитувчилар — Р.Жўраев, Т.Турсунхўжаев, Ш.Жабборов, М.Йўлдошев, Н.Кушакова, М.Зокироваларнинг хизмати катта эканлигини тилга олиш ўринлидир.

Биз, талабалар, устоз-мураббийларимизга янада юксак натижаларга эришишларини тилаб қоламиз.

***Баҳодир УМИРЗОҚОВ,***
***ТАТУ телекоммуникациялар технологиялари факултетининг 4-босқич талабаси***

SPORT

# Мини футбол мусобақаси старт олди

***Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежининг спорт залида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси томонидан ташкил этилган мини футбол мусобақасининг биринчи тур ўйинлари ўтказилди.***

**Турнирда** Агентлик тизимига кирувчи корхоналар раҳбар ходимларидан тузилган йигирмата жамоа тўрт гуруҳда ўзаро баҳс олиб бормоқда.

**"А"-гуруҳи**

*1. "ТШТТ"*
*2. "Тош.ТТС"*
*3. Алоқа коллежи*
*4. "Ўзбекистон почтаси" АЖ*
*5. ДФХ*

**"В"-гуруҳи**

*1. ЎзААА*
*2. Мониторинг маркази*
*3. ФТМТМ*
*4. ДАИ*
*5. МАТБ*

**"С"-гуруҳи**

*1. "Матбуот тарқатувчи" АК*
*2. "Тошкент Телеком"*
*3. "Тошкент почтаси"*
*4. "Халқаро почтамт"*
*5. "Ўзимпэксалоқа"*

**"D"-гуруҳи**

*1. "Алоқабанк"*
*2. "Тошкент почтамти"*
*3. ТАТУ*
*4. ЭММM*
*5. "Ўзбектелеком" АК*



Биринчи тур учрашувларига тўхтаталиб ўтадиган бўлсак, аввало, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ДАИ, "ТШТТ", "Тошкент Телеком" ва "Матбуот тарқатувчи" жамоаларини майдонга корхона раҳбарларининг ўзлари бошлаб тушишди. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли ушбу жамоаларнинг аксарияти муваффақиятли ўйин кўрсатди. "Тошкент Телеком" филиали раҳбари А.Абдумўминов "Халқаро почтамт" билан кечган баҳсда рақиб дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлди. Биринчи турда қуйидаги натижалар қайд этилди:

**"ТШТТ" – ДФХ – 2:5**
**"Тош.ТТС" – "Ўзбекистон почтаси" АЖ – 2:2**
**ЎзААА – МАТБ – 5:4**
**Мониторинг маркази – ДАИ – 0:4**
**"Матбуот тарқатувчи" АК – "Ўзимпэксалоқа" – 4:0**
**"Тошкент Телеком" – "Халқаро почтамт" – 4:4**
**"Алоқабанк" – "Ўзбектелеком" АК – 2:7**
**"Тошкент почтамти" – ЭММM – 2:0**

Иккинчи тур ўйинлари 5 феврал куни бўлиб ўтади. Унда қуйидаги жамоалар учрашади:

**Алоқа коллежи – "Ўзбекистон почтаси" АЖ**
**"ТШТТ" – "Тош.ТТС"**
**ФТМТМ – ДАИ**
**ЎзААА – Мониторинг маркази**
**"Тошкент почтаси" – "Халқаро почтамт"**
**"Матбуот тарқатувчи" АК – "Тошкент Телеком"**
**ТАТУ – ЭММM**
**"Алоқабанк" – "Тошкент почтамти"**

***Ўз мухбиримиз***

***Қиш кунлари чиндан ҳам бир тутам. Ҳали-замон тонг ёришган эди, энди қош қораймоқда. Бир зумда тун пардаси оламни ўз оғушига олади. Соч толасидай узун кечани кимдир бедор ўтказади...***

SOHAMIZ FIDOYILARI

# ЎЗ КЎНГЛИНИНГ ЗАРГАРИ

**Олимжон ака** учун бу фазилат янгилик эмас. Алламаҳалгача китоб ўқиб, ўтмишдошлари ҳаётига ўзини холисона ошно сезади. Навоий ҳазратларининг қадимий Термизда бўлгани ҳақида турли ривоятлар эшитиб юрарди. Китобдаги манбалар ҳақиқатга анча ойдинлик киритди. Олимжон ака ўша сатрларни диққат билан, қайта-қайта мутолаа қила бошлади: "Кунлардан бир кун Ҳисор хони дарё ортидаги юрт — Балхга юриш қилмоқчи бўлади. Бундан хабар топган Ҳусайн Бойқаро мингдан ортиқ сарбозини олиб Жайҳун бўйига келади. Жанговар сафда подшоҳнинг дўсти Алишер ҳам бор эди.

— Эй, подшоҳи олам, — дейди Навоий дўстига юзланиб. — Жайҳун ва Сайҳунни қонга тўлдиришдан не фойда?! Келинг, муроса қилиб, кутилаётган фожианинг олдини олайлик.

Томонлараро сулҳ тузишга кўмаклашиш масъулиятини Алишер Навоий ўз зиммасига олади. Қон тўкишга қайралган қиличлар ишга солинмайди. Шундан кейин Ҳисор ва Ҳирот оралиғида биродарларча борди-келди одати йўлга қўйилади".

Навоийнинг Термизга ташрифи билан боғлиқ бу воқеа Олимжон акани бир зум ўйга толдирди. "Беш аср муқаддам илдиз отган бу дўстлик дарахтини яшнатишга биз қанчалик ҳисса қўшмоқдамиз", деган фикрни кўнглидан ўтказди. Шу тарзда ўз умрининг саҳифалари кўз ўнгида беихтиёр намоён бўла бошлади.

... XX асрнинг 80-йиллари, Амударё ўзани устидаги "Дўстлик" халқаро кўприги қурилиши авж олган палла вилоят алоқа бошқармаси бошлиғи Олимжон Эшоновга Термиз шаҳри билан Айритом оралиғи бир қадам бўлиб қолган. Кўприк қурилишида қатнашаётган алоқа ходимлари ҳолидан соат сайин хабар олиб турилибди. Чунки алоқа хизмати кўприк учун энг зарур воситалардан бири эди.

Шу жиҳатдан вазифа кўлами кенг, талаб — жиддий. Уни уддалаш ҳам фарз, ҳам қарз. Баҳонага ўрин йўқ. Бошқарма раҳбари зарбдор участкага энг малакали мутахассисларни жалб этди. Кўндаланг бўлган муаммонинг ечимини ўз вақтида топишга астойдил интилди.

Амударёнинг чап қирғоғида, қўшни мамлакат ҳудудидаги ишларни тезроқ бажариш учун қўшимча техникага эҳтиёж сезилиб қолганда Олимжон Эшонов афғонистонлик мутахассислар билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлди. Уларга вазиятни тушунтира билди. Натижада дарёнинг чап қирғоғидаги ишга Афғонистоннинг учта янги трактори жалб этилди.

Қарийб чорак асрдан бери Амударё ўзани устидаги кўприк тинчлик мақсадларига хизмат қилмоқда. Олимжон ака буни дилдан ҳис этар экан, яна бир савоб иш сабаб кўнглида ғурур ва ифтихор туйғусини сезди. Дарвоқе, у телерадио тўлқинларини узатиш минораси қурилишига ҳам бош-қош бўлган. Учқизилдаги бу иншоот бир қарашда осонгина бунёд этилгандай туюлади. Аслида Олимжон Эшонов унинг қурилиши учун не-не машаққатлар чекмади, дейсиз?!

Гоҳ Россиянинг "Уралмаш" заводига қурилиш ашёлари ва металл мосламаларини буюртма қилиш учун Свердловск (ҳозирги Екатеринбург) шаҳрига, гоҳ плита ва ригелларни келтириш учун Бекобод шаҳрига қатнаганини кўпчилик ҳамкасблари яхши билишади. Қолаверса, Учқизил телеминораси мачтасини ўрнатишга Омск шаҳридан мутахассисларни бошлаб келгани ҳам сир эмас. Бу ҳаракатлар хамирдан қил суғургандек силлиққина кўчгани йўқ. Балки унинг замирида ташвишу, азоб-уқубат мужассам. Энди ҳаммаси ортда қолди. Энг муҳими, эзгу-ниятлар тўла рўёбга чиқди. Бугун Учқизил телерадио тўлқинлари узатиш минораси нафақат Сурхондарёнинг қарийб 2 млн. аҳолисига, балки қўшни Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон мамлакатларига ҳам хизмат қилмоқда.

Агар фикр жоиз бўлса, Олимжон Эшоновни вилоятдаги алоқа ва почта иншоотларининг чинакам бунёдкорларидан бири дейиш мумкин. Термиз шаҳридаги "Сурхондарё Телеком" филиали ва "ЎзИ-Термиз" филиали биноси ҳамда барча туманлардаги алоқа уйлари у раҳбар бўлган даврда қад ростлади. Энг чекка қишлоқларда 42та телетрансляторлар қурилиб, ишга туширилди. 130 дан ортиқ хўжаликда телефонлаштириш ишлари тугалланди. Республикада биринчилардан бўлиб халқаро ва шаҳарлараро алоқа ер ости кабели ётқизилди. Натижада алоқа каналлари қуввати бир неча баробарга ошди. Айни пайтда шаҳарлараро автоматик алоқага чиқиш имкониятлари кенгайди. Бундай ижобий ишлар мустақиллик йилларида яна ҳам равнақ топди. Хорижий фирмалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилгач, вилоятга жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган замонавий телефон ускуналари келтирилди. Бу янгилик эвазига Термиз шаҳрида рақамли телефон станциялари ишга туширилди. Бу иш вилоятнинг Термиз, Денов, Шарғун шаҳарлари ва Шўрчи, Олтинсой, Сариосиё, Узун туманларида ҳам давом эттирилди. Натижада мазкур ҳудуд аҳолиси дунёнинг исталган шаҳрига телефон, телеграф, телефакс орқали тезкор ва сифатли боғланиш имкониятларига эга бўлди.

Олимжон ака бу каби янгиликларни жорий этиш йўлида Хорватия ва Германияга хизмат сафари билан бориб келди. Кадрлар малакасини оширишга алоҳида эътибор билан қаради. У алоқа ходимларининг ижтимоий муҳофазасини ҳам унутмади. Улар учун учта 16 квартирали, битта 24 квартирали кўп қаватли уйлар, 210 ўринли ётоқхона, 280 ўринли болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

***

**"Мевали дарахтга тош отилади"**, деганлари рост экан. Шунчалик хайрли ишларни бажаришга раҳномалик қилган хоксор, элпарвар инсоннинг пайини қирқишга уринганлар ҳам бўлди. Собиқ вилоят партия қўмитаси муқобиллик асосида раҳбар сайловини ўтказди. Сайловда уч номзод орасидан Олимжон Эшонов энг кўп овоз олиб, бошқарма бошлиғи лавозимида қолди.



Одамлар эътибори ва ишончи уни янада ғайрат кўрсатиб ишлашга ундади. Мустақиллик шарофати билан бошланган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланди. Алоқа ва почта хизмати кўрсатишнинг замонавий усулларини жорий этишга интилди. Шундай бир паллада Олимжон акани собиқ вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби кутилмаганда чақиртириб, Шеробод туманига иккинчи котибликка юбормоқчи эканини айтди. Олимжон Эшонов эса "Ота-бобомдан мерос бўлиб қолган соҳадан узоқлашиш ниятим йўқ" деди. Таклифдан кейинги даврда хизмат кўрсатишни жаҳон андозасига тенглаштириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Ўшанда мобил телефон хизмати турларининг "пойдевори" қўйилди. Бугун улар тезкор ва сифатли хизмат учун рақобат майдонида беллашмоқда.

***

**Олимжон Эшонов** саркотиб билан суҳбатда севимли соҳасини "Ота-бобомдан мерос бўлиб қолган" деб бежиз айтмади. Дарҳақиқат, алоқачи Эшоновлар сулоласига Саидхўжа эшон Бобохўжа ўғли асос солган. У киши ўз эсдаликларида алоқа хизмати вилоятга илк бор ўтган аср бошларида кириб кела бошлаганини қайд этган. Дастлаб Термиз шаҳри, Наримонов кўчаси, 8-уйга "МБ-10" русумли коммутатор ўрнатилган. Бу мўъжазгина коммутатор кейинчалик шаҳардаги Тупроққўрғонга кўчирилган. "МБ-10" русумли коммутатордан асосан Чор Россияси ва Қизил Армия ҳарбийлари фойдаланишган. Вилоят маркази Шерободга кўчирилгач, дастаги соатлаб айлантириладиган бу восита бошқаси билан алмаштирилган. Шундан сўнг, Шербоддан Қашқадарё вилоятининг Муборак туманига қадар телефон линияси тортиш учун махсус жамланма тузилади. 45 кишидан иборат бу жамланмага Саидхўжа эшон раҳбарлик қила бошлайди. Улар 30-йилларнинг энг қийин дамларида шу мушкул иш билан шуғулланишади. Бухородан бошланган телефон линияси Муборак орқали Шерободга келади. Саидхўжа эшоннинг тил билгани Константин Рандин, Михаил Пичугин, Леонид Зайцев каби рус мутахассислари билан баҳамжиҳат ишлашда катта аҳамият касб этди. У шу касби билан элга танилди.

Ёш Олимжон отаси Саидхўжа эшон Бобохўжа ўғли ҳунарига астойдил ихлос қўйди. Тошкент электротехника алоқа институтида таҳсил олиб, мутахассис бўлди.

— Мени муҳандисликка ишга қабул қилишди, — дейди Олимжон ака меҳнат фаолиятнинг илк кунларини эсларкан. — Буни отамга хурсандчилик билан айтган эдим. "Яхши иш бўлмабди, ўғлим, эртага аризангни берасан. Аввал электромонтёр бўлиб, иродангни, қобилиятингни тоблаб кўр", деб насиҳат қилдилар. Ана шунда зинама-зина чиқиб, эзгу-мақсадга эришишда гап кўплигини илғаб олганман.

Ота маслаҳати билан иссиқ кабинет дала шароитидаги ишхонага алмаштирилди. Олимжон тажрибали алоқа ходими Абдулла Осимов бошлиқ жамоада оддий монтёр бўлиб ишлай бошлади. Бу ерда маош оз, аммо иш қийин ва кўп эди. Бироқ баъзилардек иродасизлик қилмади. Отасининг ўгитига амал қилиб, роса тобланди. Кейинчалик раҳбарлик вазифасига кўтарилгач, ёш кадрларни аввало қуйи участкада чиниқтиришни одат тусига айлантирди. Бугунги кунда улар устоз усулидан беҳад мамнун.

Олимжон ака ва турмуш ўртоғи Инобат опа сулоланинг иккинчи авлодига мансуб бўлишса, фарзандлари учинчи авлод сифатида анъанани давом эттиришмоқда. Ўғиллари Алишер Эшонов бугунги кунда "Ўздунробита" қўшма корхонасининг вилоят филиалига раҳбарлик қилмоқда.

***

**Бойсун туманининг** "Кофрун" қишлоғига борганимда кекса чўпон "Сиз Олим Эшоновни танийсизми?" деб сўраб қолди. Ўз навбатида мен у кишини жуда яхши билишимни ва устоз алоқачи сифатида ҳурмат қилишимни айтдим. "Отасига раҳмат шу одамнинг, биздан вилоятга депутат бўлган йиллари кўп ишларни бажарди. Қишлоғимиз кўчалари обод бўлди, тоза ичимлик суви олиб келинди. Сайловчилар талабини бажаришга ҳаракат қилди. "

Бойсунлик Бобоёр бобонинг чин кўнгилдан билдирган бу сўзларига ўхшаш дил изҳорларини Деновдаги Собир Раҳимов номли, Жарқўрғондаги "Сурхон" хўжаликларида бўлган чоғларимда ҳам эшитганман. Дарҳақиқат, Олимжон Эшонов нафақат алоқа соҳасининг фидойиси, балки халқ депутати сифатида ҳам эл назарига тушган ва ҳурмат-эҳтиром қозонган.

***

***Донишмандлар ҳаммаси кўнгилдан, дейишган. Зотан, у қанчалик пок бўлса, эзгулик зиёси шунчалик ёрқинлашиб, элга меҳр, юртга чирой бахш этаверади. Шундай экан, "Сурхондарё Телеком" филиалининг етакчи мутахассиси Олимжон Эшоновни ҳақли равишда ўз кўнглининг заргари десак бўлади. У ҳамиша элим деб, юртим деб фидойилик кўрсатишга интилиб яшамоқда.***

***Нортожи ЗИЁЕВ***
***Сурхондарё вилояти***

ALOQA OLAMIDA

## ИНТЕРНЕТ — БЕПУЛ



**Бразилиянинг** Сан-Паулу штатида жойлашган Суд-Менусси шаҳарчаси аҳолиси Интернетдан бепул фойдаланмоқда. Шаҳарчада яшовчилар сони тахминан 7500 кишини ташкил этади. Маҳаллий маъмурият аҳолига бу қулайликни яратиш мақсадида ойига 3200 реал (1250 АҚШ доллари) сарфламоқда.

Одамлар икки йил илгари Интернетга уланиш учун шаҳарлараро ва модем алоқадан фойдаланишарди. Ўшанда Суд-Менусси ҳокими Селсу Жункейра шаҳарчани тўлиқ интернетлаштиришга аҳд қилганди. Кейинчалик махсус антенна келтириб ўрнатилди. Ташаббускор ҳоким келгусида Wi-Fi технологияси ёрдамида Интернетга симсиз уланишни ҳам йўлга қўймоқчи.

## ОРТИҚЧА SIM-КАРТАЛАР

**Чехияда** сотилган SIM-карталар миқдори ўтган йили мамлакат аҳолиси сонидан ошиб кетган. Шу тариқа ишлатилаётган мобил телефонлар сони 10,7 миллионтага етди (Чехия аҳолиси — 10,2 миллион киши).

2004 йилнинг декабр ойидаги маълумотларга кўра, маҳаллий уч алоқа оператори томонидан ҳар юз киши номига 105та телефон рақами расмийлаштирилган. Ўтган йилнинг охирги чорагида 500 минг чехиялик SIM-карталар харид қилган. Бироқ мутахассислар мунтазам ишлатилаётган SIM-карталар сони аслида юқоридаги маълумотлардагидан кам эканлигини таъкидлашган. Масалан, бир йил давомида бирор марта фойдаланилмаган телефон рақамлари ҳам операторлар рўйхатидан жой олган.

Чехиянинг етакчи уяли алоқа оператори — Eurotel мижозлари сони ўтган йили уланган 380 минг киши ҳисобига 4,59 миллион кишига етди. T-Mobileda бу кўрсаткич 4,3 миллион, Oskar Mobilda эса 1,83 миллионни ташкил этади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК жамоаси компаниянинг тармоқни ривожлантириш, хавфсизлигини ва барқарорлигини таъминлаш бўлими бошлиғи Марина Матусга онаси
**Людмила МАТУС**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси Жиззах филиали Жиззах тумани почта алоқаси тармоғи бошлиғи Б.Қобиловга волидаи муҳтарамаси
**ТОШБУВИ ая**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Краткое ознакомление с экономической историей дает нам некоторое представление о теоретическом наследии прошлого. Это та фундаментальная система, которую студенты в основном изучают по курсу истории экономических учений и экономической теории.

*ИЗ ИСТОРИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ТЕОРИИ*
*(В помощь студентам ВУЗов)*

# Как развивалась экономическая мысль



**Задача этой науки** заключается в объяснении "работы" общества, связанного с рынком. Почему мы изучаем эти теории? Потому что мы хотим понять природу тех экономических сил, которые вторгаются в нашу жизнь.

Поэтому нет лучшего способа уяснить основные цели экономической теории как науки, чем ознакомление с работами трех великих экономистов - А.Смита, К.Маркса, Дж.Мейнарда Кейнса. Эти три имени воспринимаются нами по разному в зависимости от их воззрений.

**Адам Смит (1723-1790)** является главным покровителем экономической науки. Славу ему принесла его книга "Богатство народов", которую мало кто читал, но все слышали о ней. Это первое произведение, ставшее классикой экономической теории, которое научно объяснило, как общество должно работать.

Полное название этой книги - "Исследование о природе и причинах богатства народов". В ней А.Смит делает попытку выявить причины увеличения народного богатства. Тем самым он указывал: во-первых, главное мерило богатства - это производство и труд; во-вторых, свободная конкуренция. И в-третьих, он выступал против вмешательства государства в экономическую жизнь, которое по его мнению, чаще всего нарушало естественный процесс накопления богатства.

А.Смит начинает с поразительной догадки того, что эгоизм проявляется как движущая сила поступков людей в стремлении каждого индивида улучшить свое положение, что все участники рынка руководствуются желанием делать деньги только для себя. Напрашивается вопрос, как рыночное общество удерживает жаждущих выгоды индивидуумов от ограбления сограждан и каким образом из такой антиобщественной мотивации может возникнуть работоспособная социальная система? Ответ на этот вопрос кроется в центральном механизме рыночной системы - в механизме конкуренции:

1) Производитель, запрашивающий более высокую цену на свой товар, не сможет найти покупателя;

2) Не сможет найти работу и тот, кто запрашивает больше заработной платы, чем она установлена на рынке труда;

3) А предприниматель, пытающийся заплатить меньше, чем конкуренты, не найдет работников.

Следовательно, рынок затребует произвести столько товаров, сколько желательно для общества, не требуя для этого никаких и ничьих команд, то есть, ни одно правительство или группа лиц не сможет организовать торговлю лучше, чем это сделает рынок, в котором аккумулированы находчивость и знания миллионов людей. Это - один из постулатов смитовской теории, то есть, "невидимая рука" направляет эгоистические интересы индивидуумов на общественно полезную деятельность. Таким образом, рынок удерживает общество в колее, обеспечивая производство нужных обществу товаров и услуг.

Однако нельзя сказать, что эта функция рынка действует всегда и везде. Есть сфера экономической жизни, на которую она вовсе не оказывает своего влияния, то есть, не рыночные методы вознаграждения (как например: чаевые или непредвиденная оплата услуг). Вместе с тем, рынку не подвластны те блага, которые могут быть куплены или проданы в частном порядке (национальная безопасность или законность, а также общественное спокойствие).

Таким образом, А.Смит первым развил "экономическую теорию" как науку.

В целом надо отметить, что капитализм не лишен некоторых серьезных недостатков, на которые указали два других экономиста.

**Карл Маркс (1818-1883).** У большинства людей имя Карла Маркса ассоциируется с революцией. И это в определенной степени справедливо. Но Маркс был не только политическим деятелем, он был также глубоким и проницательным экономистом, аналитиком динамики капитализма.

Если А.Смит был зодчим капитализма, то Карл Маркс был сторонником его грядущей гибели. А.Смит считал, что история - это последовательность этапов, а Маркс видел историю, как непрерывную борьбу классов во все эпохи. Ему мы обязаны фундаментальной идеей о том, что капитализм развивающаяся система, вышедшая из исторического прошлого и двигающаяся к ясно различимой форме социалистического общества. Согласно Марксу капиталистическая экономика, развиваясь по внутренним законам, подготавливает отмену частной собственности и установление общественной, где каждому члену общества будет обеспечено удовлетворение его разумных потребностей. Исходя из марксовой концепции, нам казалось, что цель - удовлетворение материальных потребностей - могла быть реализована только переустройством общества на социалистических началах. Однако эта цель в конце XX века была признана как объективное заблуждение. Теперь же оказалось, что на этапе постиндустриального развития общество может достичь этой цели исключительно научно-техническими средствами.

Но Маркс, как экономист, интересует нас по другой причине, поскольку он также рассматривал рынок как средство накопления капитала и богатства. Он считал, что процесс производства связан с кризисами и другими неполадками, которые таятся в самом капитализме.

Суть Марксовой теории капитализма вытекает из анализа того, как посредством механизма эксплуатации рабочей силы извлекается прибавочная стоимость (неоплаченный труд является источником прибыли). В своей книге "Капитал" он делает два важных вывода: во-первых, что размеры предприятия будут постоянно расти вследствие экономических кризисов, во-вторых, что тенденция бизнеса к укрупнению будет неотъемлемой чертой капитализма. Таким образом, социальная структура общества будет состоять из все уменьшающегося числа магнатов и увеличивающейся массы рабочего класса. Как предвидел Маркс, научно-технический прогресс ныне определяет все стороны развития общественного производства, а капитал приобрел транснациональный характер.

В целом XX век подтвердил правоту ряда его взглядов, но вместе с тем показал необоснованность некоторых его прогнозов.

**Джон Мейнард Кейнс (1883-1945).** Если Маркс был пророком разрушения капиталистической системы, то Джон Мейнард Кейнс был инженером капитализма, который, как он утверждал, нуждался в ремонте. Это утверждение сводится к тому, что он твердо стоял на позиции поддержки и улучшения капиталистической системы в соответствии с новыми экономическими условиями, характерными капитализму XX века. Так рождаются замыслы его трудов. Своими научными работами он как бы кирпичик за кирпичиком стал заполнять грандиозный каркас здания капиталистического общества.

Главной его книгой является "Общая теория занятости, процента и денег". В ней Джон Мейнард Кейнс говорит, что общий уровень экономической активности определяется готовностью предпринимателей осуществлять капиталовложения; что рыночная система может достичь состояния "равновесия" и при неполной занятости; что рыночная система не обладает свойством самокоррекции для поддержания роста; что - если ничто автоматически не обеспечивает накопление капитала, то экономика, попавшая в состояние сильной депрессии, может оставаться в ней до тех пор, пока не будет найдена замена частным инвестициям, и считает, что одним из источников такого стимулирования инвестиций является правительство.

В его учении заложены основы новой макроэкономической теории. До него в центре анализа находился отдельный индивид с его потребностями, отдельная фирма с ее проблемами минимизации ее издержек и максимизации прибыли. Джон Мейнард Кейнс противопоставил этому исследование зависимостей и пропорций между совокупными народно-хозяйственными величинами, т.е. национальным доходом, сбережениями, инвестициями, рыночным спросом и потреблением.

Таким образом, теория Кейнса имеет прямой выход на практику. К новой доктрине экономической политики он привлек внимание не только представителей научных кругов, но и правительств капиталистических стран. Поэтому его можно назвать отцом идеи "смешанной экономики", в которой правительство играет решающую роль.

В силу этого современную экономическую науку нельзя представить себе без того, что было привнесено в нее творчеством Дж.М.Кейнса.

Правота концепции этих экономистов сегодня в значительной мере определяет содержание экономической теории. Поэтому они все еще остаются современниками, несмотря на то, что стали частью нашей истории.

*Шер МУСЛИМОВ,*
*доцент кафедры экономической теории ТУИТ*

**НОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ**

## Электронная бумага заменит газеты

**Компания Seiko Epson** планирует до конца этого десятилетия разработать технологии для коммерческого производства гибких дисплеев, сообщает ComputerWeekly. Как заявляет глава исследовательского центра Seiko Epson Татсуя Шимода (Tatsuya Shimoda), в настоящий момент компания трудится над созданием электронной бумаги больших диаметров, которая может сворачиваться. По его словам, данный источник информации вытеснит газеты и журналы на основе бумаги уже через пять лет.

## Запахи по интернету

**Японская компания NTT Communications** разработала технологию, обеспечивающую передачу запахов по интернету, сообщает Japan Today. Устройство подключается к компьютеру и с помощью специальной программы автоматически создает ароматы.

Диаметр устройства составляет 30 см, внутри него содержатся 32 различных пахучих компонента, включая, например, ароматы апельсина и розы. Их можно смешивать.

В компании надеются, что новая технология получит широкое распространение, особенно среди ресторанов.

## В США создают автоматического программиста

**Пройдет не менее** десяти лет, когда приложения, облегчающие самый трудный этап программирования — отладку и поиск ошибок в программе, достигнут необходимого уровня, утверждает бывший директор Департамента внутренней безопасности США по информационной безопасности Амит Йоран (Amit Yoran).

Хотя такие инструменты существуют уже сейчас, им далеко до совершенства. «Специалисты подразделения национальной кибербезопасности Департамента поставили перед собой цель — создать «автоматического программиста», — заявил г-н Йоран на конференции по электронному правительству и информационной безопасности, прошедшей в Вашингтоне, округ Колумбия. По мнению Амита Йорана, 95% ошибок в программах происходят по 19 причинам, устранение которых можно алгоритмизировать и поручить другим программам. Йоран считает, что одной из общих причин несовершенства инструментов дебаггинга является невнимание к этому вопросу научных и образовательных учреждений.

**ЭТО ИНТЕРЕСНО**

## Принтер - стукач

**А знаете ли вы**, уважаемые читатели, что современные цветные лазерные принтеры не только покорно выполняют все требования своих владельцев, но и оставляют на распечатываемом документе свою уникальную «подпись», позволяющую без особого труда вычислить кем, когда и на каком АЦПУ был распечатан очередной шедевр современного «самиздата».

По информации журнала PC World, для того чтобы выяснить, принадлежит ли ваш верный принтер к компании цифровых стукачей, достаточно вооружиться лупой и светодиодным фонариком. Если на гладкой поверхности бумаги, только что выплюнутой из чрева цветного лазерного принтера появится россыпь крохотных желтых точек - вы попали, можете смело выбрасывать чудо техники на помойку, потому что в этой желтой россыпи закодирован серийный номер устройства, его производитель и бог знает, что еще.

*По материалам Интернет*

HUQUQSHUNOS MINBARI

***Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари ва бошқа локал меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Мулкчилик шакли ва бўйсунувидан қатъи назар, барча турдаги корхона, ташкилот, муассасаларда, жамоат бирлашмаларида, юқори турувчи давлат бошқарув органларида ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда, ишлаб чиқариш тармоқларида (бундан буён "корхона, ташкилот ва муассасаларда" деб юритилади) меҳнат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, ходимларнинг конституциявий кафолатланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ҳамда ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш, тенг ҳуқуқлилик тамойилида меҳнатни ташкил этиш, ходимга қулай меҳнат шарт-шароитлари яратиб бериш иш берувчининг асосий бурчлари ҳисобланади.***

# МЕҲНАТ ИНТИЗОМИГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

## Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг меъёрларида белгиланган меҳнат интизомини бузилиш ҳолатлари, интизомий жазо чоралари ва уларни амалиётда қўллаш тартиблари

**Иш берувчи томонидан ўрнатилган** ички меҳнат тартиби қоидаларига, тузилган меҳнат шартномаси шартларига риоя қилиш, шунингдек, лавозим йўриқномасида белгиланган хизмат вазифаларини (меҳнат мажбуриятларини) талаб даражасида бажариш ва самарали меҳнат қилиш ходимнинг асосий бурчларидир.

Ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари амалдаги меҳнат қонунчилиги, шартномавий йўсиндаги келишув ва битимлар, норматив ҳужжатлар, шунингдек, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда тасдиқланган локал ҳужжатлар (жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, айрим тоифадаги ходимлар учун интизом тўғрисидаги устав ёки низом, ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги низом, йил якуни бўйича моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низом, меҳнат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ҳақидаги тегишли қарор, буйруқ ва ҳоказо) асосида белгиланиши меҳнат жамоаларида қонун устуворлиги тамойилида иш юритилишини ҳамда жамоа ўртасида меҳнат ва ижро интизомининг мустаҳкамланишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир", деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 1 ва 4-моддаларида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари ва шартномалари ҳамда бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солиниши белгиланган.

Ходимлар учун меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларининг энг паст даражаси қонунлар билан белгилаб қўйилиши, қонунларга нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари бошқа меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан, шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари ва бошқа локал меъёрий ҳужжатлар), шунингдек, ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин.

Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаби, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, ходимларнинг ишчанлик қобилиятлари ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар меҳнат муносабатларини камситиш деб ҳисобланади (Кодекснинг 6-моддаси). Шунингдек, мазкур Кодекснинг XI боби (Меҳнат интизоми)да меҳнат интизомини таъминлаш, уни бузганлик учун иш берувчи томонидан қўлланиладиган интизомий жазо чоралари, жазони қўллаш тартиби, амал қилиш муддати, жазо устидан шикоят қилиш тартиблари белгиланган (Кодекснинг 174—184-моддалари).

Шунинг учун алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги барча акциядорлик компаниялари ва жамиятлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг локал меъёрий ҳужжатларга риоя қилган ҳолда меҳнат қилишлари, ички меҳнат тартиби қоидалари билан ўрнатилган меҳнат интизомига риоя қилишлари, қолаверса, ҳар бир раҳбар ва масъул ходим иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланган шартларни, ўз зиммасига олган меҳнат мажбуриятларини, хизмат вазифаларини талаб даражасида бажаришларини, ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга риоя қилишларини, иш берувчининг эса ходим олдида ўз зиммасига олган шартномавий мажбуриятларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижросини таъминлашини тақозо этади.

Амалий тажрибалар шундан далолат берадики, баъзи корхона ёки ташкилотларда ходимлар билан меҳнат шартномаси тузишда бир хил кўринишда бўлган қоидалардан иборат шаклда меҳнат шартномаси тузиш одатий тусга айланиб қолган. Ваҳоланки, мулкчилик шакли ва бўйсунувидан қатъи назар, ҳар бир корхона, ташкилот ёки муассасанинг тасдиқланган штатлар жадвалида ходимларнинг чекланган сони, шу жумладан, бошқарув ходимлари, хизмат кўрсатувчи ходимлар, техник ходимлар сони кўрсатилади ҳамда лавозимлар тури қайд этилган бўлади.

Демак, корхона, ташкилот ёки муассасада тасдиқланган штатлар жадвалига мувофиқ маълум бир лавозимга тайинлаш учун соҳага оид маълумоти, мутахассислиги тўғри келадиган ходим билан меҳнат шартномаси тузишда ишга қабул қилинадиган ходимнинг лавозими бўйича бажариши шарт бўлган меҳнат мажбуриятлари, хизмат вазифалари доираси, шунингдек, асосий вазифалар билан бирга бажариши мумкин бўлган қўшимча шартлар, ходимнинг нормал шароитда эркин меҳнат қилиши учун ҳуқуқлари, ваколатлари нималардан иборатлиги аниқ ва равшан белгилаб қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки ходим билан иш берувчи ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси амалдаги Меҳнат кодексининг тегишли меъёрларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ бўлиши, шартномада тарафларнинг ўз зиммаларига олган шартномавий мажбуриятларини ҳеч қандай тўсқинликларсиз, мажбурий меҳнатни истисно этувчи, эркин ва камситилишига йўл қўймаган ҳолда бажариш имкониятлари, айни пайтда, меҳнат шартномасини ўзгартириш, бекор қилиш қоидалари тўлиқ ифодаланган бўлиши керак.

Ходим билан иш берувчи ўртасида меҳнат муносабатларининг амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ тарзда белгиланиши, келгусида тарафлар ўртасида юзага келган ўзаро келишмовчилик ва меҳнат низоларининг, шу жумладан, ходимнинг интизомий жазо чораси қўлланилганлиги ҳақидаги буйруққа нисбатан норозилик билдириб, меҳнат низоси комиссиясига, касаба уюшмаси қўмитасига ёки судга мурожаат қилган тақдирда, бу тоифадаги меҳнат низоларини қонун доирасида одилона ва холисона ҳал қилинишини кафолатлайди.

Иш берувчи томонидан, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, локал меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда амалдаги Меҳнат кодекси меъёрларига, меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига, қонун ости меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя қилган ҳолда ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда тасдиқлаб, амалга киритсалар, биринчидан, қонунийлик таъминланган бўлади, иккинчидан, меҳнат жамоаларида меҳнат ва ижро интизомининг мустаҳкамланишига эришилади.

Давлат бошқарув органларининг баъзи тармоқларида (мудофаа вазирлиги тизимида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, айрим назорат қилувчи органларда, ҳарбийга тенглаштирилган тармоқларда ва бошқа тегишли соҳалар) айрим ходимлар учун интизом тўғрисидаги устав ёки низом жорий этилиши мумкин.

Айрим тоифадаги ходимларнинг зиммасига юклатилган хизмат вазифалари доираси алоҳида қонунлар, меъёрий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган, иш хусусиятига кўра давлат аҳамиятига эга муҳим вазифа ва топшириқларни, сир тутиладиган ва ошкор этилиши ман қилинадиган топшириқларни (ишларни) бажариш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда ушбу тоифадаги ходимларга интизом тўғрисидаги устав ёки низом татбиқ қилиниши мазкур ҳужжатларда белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, мулкчилик шакли ва бўйсунувидан қатъи назар, ходим билан иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси асосида лавозимга тайинланган бошқарув, хизмат кўрсатувчи, техник ходимларнинг зиммасига юклатилган меҳнат мажбуриятлари ва хизмат вазифалари доирасида юқорида қайд этилган муҳим топшириқ ва вазифаларни, сир тутиладиган ва ошкор этилиши ман қилинадиган топшириқларни (ишларни) бажариш билан боғлиқ бўлмаса, у ҳолда ушбу тоифадаги ходимларга нисбатан корхона, ташкилот ёки муассасада тасдиқланган ички меҳнат тартиби қоидаларига мувофиқ умумий тарзда интизомий жазо чоралари қўлланиш тартиби татбиқ этилади.

Шу боисдан, интизом тўғрисидаги устав ёки низомда айрим тоифадаги ходимларга иш берувчи томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракатлар учун интизомий жазо чораси қўлланилиши мумкин бўлган тоифадаги лавозимлар рўйхати, қўлланилиши мумкин бўлган ва амалдаги Меҳнат кодекси меъёрларида белгилаб қўйилган интизомий жазо чораси турлари, интизомий жазо чорасини қўллаш тартиби ва муддати, жазонинг амал қилиш муддати, жазони муддатидан аввал олиб ташлаш тартиби, шунингдек, ходимнинг жазо устидан шикоят қилиш тартиби, меҳнат низоси комиссияси, касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан шикоятни кўриб чиқиб, ҳал қилиш тартиби ва муддатлари аниқ белгилаб қўйилиши зарур.

Шунингдек, устав ёки низомда раҳбар ва масъул ходимларни (юқори турувчи бошқарув органи, жамоат бирлашмаси, акциядорлик компанияси, акциядорлик жамияти, корхона ёки ташкилотнинг номенклатурасида турадиган ва уларнинг буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган раҳбар ходимлар, раҳбар ўринбосарлари, айрим тузилмалар бошлиқлари ва мутахассислар назарда тутилмоқда) иш фаолиятида йўл қўйган хато-камчиликлар ва бошқа интизомсизликлари учун уларга нисбатан иш берувчи сифатида фақат юқори турувчи давлат бошқарув органининг буйруғи (фармойиши) ёки қарори билан интизомий жазо чораси қўлланиши мумкинлиги алоҳида қайд этилиши лозим.

Иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда тасдиқланиб, амалга киритиладиган ички меҳнат тартиби қоидаларида юқорида таъкидлаб ўтилган ушбу қоидаларнинг белгилаб қўйилиши раҳбар ходимларга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланишнинг ягона тартиби татбиқ этилиши истисно тариқасида белгилаб қўйилиши амалиётда қонунийликни таъминлайди.

Мазкур ҳужжатларга кўра, ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини ва бошқа моддий қимматликларини авайлаб асраши шарт эканлиги белгиланиши тарафларнинг масъулиятини оширади, келажакда шу масалалар бўйича ходим ва иш берувчи ўртасида юзага келган мулкий-номулкий низоларни эса судларнинг аралашувисиз ҳал қилиш имконини беради.

Интизомий жазо чораси ва унинг амалда қўлланиш тартиблари қандай бўлиши керак? Бу масалани қонун доирасида ҳал қилиш учун қуйидагиларга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Қонунда белгиланганидек, иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши, жамоа шартномаларини, тармоқ келишувини тузишлари шарт.

Юқорида қайд этилган меҳнат муносабатларининг ходим ва иш берувчи учун бир хилда тенглик тамойили асосида белгиланиши ҳар иккала томоннинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

*(Давоми бор.)*

***Бердиёр ЖАББОРОВ,***
***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош юридик маслаҳатчиси***

## Alisher Navoiy tavalludining 564 yilligiga

**_Халқимиз ҳақиқий олим ёки адибларни қуёшга, шамга қиёс қилади. Қуёш ҳаммага баравар нур сочади, шам эса ўзи ёниб, атрофдагиларга зиё бағишлайди. Алишер Навоий ҳам ана шундай даҳолардан биридир. У ўзи учун яшамади, ўзини ўйламади, инсоният ҳақида қайғурди, одамларга яхшилик қилишни ўзига шиор қилиб олди._**

# «Алишербек назири йўқ киши эди...»

**_Одами эрсанг демагил одами,_**
**_Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами,_**

— деган Навоий аввало, ўзининг ўлмас асарлари билан халқимиз қалбига ва йўлига зиё бағишлади, онгини ва руҳини илм билан суғорди. Давлати ва мансаби билан эса мамлакатни обод қилди, уруш ва жанжаллар йўлига ғов солди, муҳтожларга ёрдам кўрсатди.

Алишер Навоий ўз даврида фаннинг ҳамма соҳаларини ривожлантиришга уринди ва бу борада муваффақиятларга эришди ҳам. Унинг маънавий ва моддий кўмаги ҳамда раҳбарлиги остида машҳур тарихчилар, шоирлар, мусиқашунослар, наққошлар, табиблар ва бошқа соҳа мутахассислари етишиб чиқди. Кўйингки, Бобурнинг тили билан айтганда: "Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замона эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, ботахсис Ҳирий шаҳри мамлу (тўла) эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллиғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай". Султон Ҳусайн Мирзо замонасининг гуллаб-яшнашида Алишер Навоийнинг буюк хизмати борлиги барчага аён.

Навоийнинг илм аҳлини тарбия қилгани, фан ва маданиятни ривожлантиришга бел боғлагани у яшаган, ундан кейинги ва ҳозирги даврдаги каттаю кичикни бирдек тўлқинлантириб келмоқда.

Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида унга замондош олимлардан тортиб то ҳозирги мутахассисларгача жуда кўп илмий китоб ва рисолалар чоп этганлар. Биз шеърият мулкининг султони Навоий ҳазратларининг таваллуди арафасида, у буюк зотнинг табобатга муносабати, киши соғлигини қандай сақлаши ҳақидаги фикрлари тўғрисида қисқача тўхталишни лозим кўрдик.

Алишер Навоий яшаган асрда Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон табобати ўзаро мустаҳкам алоқада ривожланди. Бу даврдаги табиблар бир-бирларининг ёзган асарларидан бохабар бўлганлар. Шунингдек, Алишер Навоий ҳам ўз давридаги ва ундан олдинги табибларнинг асарларини пухта ўрганди, табобатга ва тиббиёт фанига ўз ҳиссасини қўшди ҳамда табобат соҳасидаги олган билимларининг хулосаси сифатида кўплаб шеърлар, фардлар, рисолалар яратди. Хусусан, Навоий асос солган "Дорушшифо"даги табиблар билан самарқандлик табиблар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Одам ҳамиша соғу саломат бўлиши учун нима қилиши керак? Навоийнинг фикрича, биринчи галда у ўз мижозини билиши ва уни мўътадил — ўртача тутиши лозим. Мижознинг бузилиши касалликни пайдо қилади:

**_Сарсаба эрур ҳамиша бу гулшанда сарвдек,_**
**_Озадаеки, бўлса мизожида эътидол._**

Буюк шоир киши соғ-саломат бўлиши учун аввал тўғри овқатланишни билиши зарур деб ҳисоблайди. Инсон зарарли нарсаларни ейиш ва ичишдан доимо қочиши керак, ана шунда саломат бўлади:

**_Неким бўлса музир бўлғил ҳаросон,_**
**_Ки бўлғай табъинга мушкиллар осон._**

Зарарсиз, ширин овқатлардан ейиш қоидаси қандай? Улардан истаганча еявериш мумкинми? Йўқ! Мижозга ёқадиган овқатлардан ҳам ҳаддан ортиқча ейиш зарардир:

**_Неким бўлса мизожингга гуворо,_**
**_Анга кўп майл қилма ошкоро._**

Навоий еб-ичишнинг қандай бўлиши ва бу соҳада энг тўғри йўл қайси эканини ажойиб мисралар орқали бизга кўрсатади. Яъни, овқатланиш қоидаси шуки, киши роса тўйиб кетмасдан ейишни бас қилиши, еган нарсаси ҳазм бўлмай туриб, устига яна ейиши мумкин эмас:

**_Ғизо бўлса муфиду табъ роғиб,_**
**_Бас эт табъинг ҳануз бўлганда толиб._**
**_Бу доғи топмагунча ҳазми комил,_**
**_Баданни қилма ортиқ юкка ҳомил._**

Бемор ўзини кўп уринтирмаслиги, иложи борича китоб ва хат ҳам ўқимаслиги керак:

**_Ёр хатидин Навоий хаста кўнгли заъф этар,_**
**_Заъфга мувжиб бўлар чун кўп ўқур бемор хат._**



Навоий фикрича, беморда иштаҳа жойида бўлса, у тузалиб кетади. Бироқ соғлом одамда иштаҳа бўлмаса, бу ёмон, бунинг чорасига киришмоқ керак:

**_Беморни муштаҳийга саломат нишондур,_**
**_Чун тандуруст муштаҳий эрмас — зиёндур._**

Киши баданида тўртта хилт, яъни қон, сафро, савдо ва балғам бўлади. Шу хилтлардан бирортаси ошиб кетса, киши касалга чалиниши мумкин. Тиб ва табиб ана шу ортиқча хилтни даф этиб, бемор бўлишдан сақлайди:

**_Бўлса табъ ичра хилтдан иллат,_**
**_Моддий бўлса ҳар нечук захмат._**
**_Бизга ишдур они илож этмак,_**
**_Тиб ила сиҳҳати мизож этмак._**

Савдо моддаси қоннинг бузилиши ва қуйилишидан ҳосил бўлади. Баданда савдо моддаси ошиб кетса, одамнинг фикри бузилиб, жинни, яъни савдойи бўлиб қолади. Буни Навоий қуйидагича ифодалайди:

**_Савдо солди димоғи ичра халал,_**
**_Ақлу ҳуши жунунга бўлди бадал._**

Ҳар ким мижозини яхши сақлаши учун тинимсиз ҳаракат қилиши, ўзига ёқадиган-ёқмайдиган нарсаларни аниқ билиши зарур:

**_Бурун қил ўз мизожингга тааммул,_**
**_Не ҳоли бор эконин англа билкулл_**
**_Муфид ашёға доим иштиғол эт,_**
**_Вале бор ишда майли эътидол эт._**

Баданда совуқ мижознинг ошиб кетиши иссиқ мижозни синдиради ва нохушликлар келтириб чиқаради:

**_Бурудатдин (совуқлик) абдон (баданлар) тўла бошлади,_**
**_Ҳарорат ўти паст ўла бошлади._**

Навоий шароб ичишни кескин қоралайди ва шаробнинг инсон саломатлигига зарар эканини ёзади. Унингча, шароб баданга ёғилган бало селидир:

**_Бодаким йиқмоқ сари ўқ майлидур,_**
**_Жисм уйига билки бало сайлидур._**

Кимки бода (шаробни) кўп ичса, ундай одамнинг ақл чироғи тезда ўчади:

**_Бодага кўргузса киши хийралиқ,_**
**_Ақл чироғига берур тийралиқ._**

Ҳазрат Навоий одамларни нафақат маънан етук, билимдон, балки жисмонан бақувват, соғлом бўлишини истаган. Бу борада саъй-ҳаракатлар қилган. Ўзининг "Дорушшифо"даги маслакдошлари билан ҳам бу хусусда эзгу ишларни амалга оширган. Навоийдек буюк зотдан ҳар қанча ўргансак, шунча оз. У доимо биз учун ўрнак бўладиган мутафаккир, аллома, давлат арбоби, бир сўз билан айтганда, ҲАЗРАТИ ИНСОН бўлиб қолаверади.

Заҳириддин Бобур тили билан айтганда: "Алишербек назири йўқ киши эди... Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий (қувват берувчи) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай"...

**_Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ тайёрлади_**

## РИВОЯТЛАР

### Шоирнинг дўсти

**Алишер Навоийнинг** Паҳлавон Муҳаммад деган шогирди ҳам дўсти бор эди. Шоир уни жуда яхши кўрар, шогирди бўлса ҳам қадрдон, сирдош дўсти деб биларди. Кунлардан бир куни Паҳлавон Муҳаммад кичик бир гуноҳи туфайли Султон Ҳусайннинг қаттиқ ғазабига учради. Ҳусайн Бойқаро:

— Паҳлавоннинг соқол-мўйловини қириб ташланглар, сўнг калтадум либос кийдириб, кўча-кўйда сазойи қилинглар, — деб буйруқ берди. Паҳлавоннинг бундай жазога гирифтор бўлганини Навоийга айтишди. Навоий, агар бу жазо амалга оширилса, Паҳлавон Муҳаммаднинг иззат-нафси камситилиб, у бунга чидолмай ўлиб қолишини англаб, уни бундай шармандаликдан қутқазиш ҳаракатига тушди. Тезликда Ҳусайн Бойқаро ҳузурига етиб бориб:

— Султони бокарам, маълумингизки, мен ва Паҳлавон Муҳаммад ёшлигимиздан бир хил кийинамиз, бирга соқол-мўйлов қўйиб, дўст-биродар бўлиб юрамиз. У бошқа, мен ўзгача кийиб юрсам, ўртадаги аҳд бузилиб, гапимиз тузсиз, ўзимиз субутсиз бўлиб қоламиз. Буюрсангиз, менинг ҳам соқол-мўйловларимни қирсинлар, менга ҳам худди Паҳлавон Муҳаммадга берилгандек калта либос кийгизилиб, дўстим билан бирга кўча айлантирсинлар, — дебди.

Навоийнинг шогирди ҳамда дўстига бўлган садоқатини, меҳр-оқибатини кўрган Ҳусайн Бойқаро ғазаб отидан тушиб, чегарадан чиқиб кетганини ўзи ҳам билиб қолибди.

— Паҳлавоннинг гуноҳидан ўтдим, жазо қолдирилсин, — деб буюрибди.

### Навоий кўмаги

**Ҳиротлик** шоирлардан Ҳасаншоҳ моддий жиҳатдан қийналиб қолибди-да, ўғлига мотам либослари кийдириб, Навоийнинг ёнига юборибди. Навоий шоирнинг ўғлини кўриб, ундан сўрабди.

— Ҳа, ўғлим, мотамнинг боиси недур?

— Падари бузрукворимиздан айрилиб қолдик, — дебди йигитча қайғули оҳангда.

Алишер Навоий:

— Эвоҳ, мавлоно Ҳасаншоҳ замонамизнинг ажойиб одами эди, — дебди-да, шоирнинг ўғлига уч юз танга пул берибди. Йигит бозор томонга йўл олибди.

Эртасига Алишер Навоий таъзия билдириш учун шоир Ҳасаншоҳнинг уйига борибди. У Ҳасаншоҳнинг соппа-соғ юрганини кўриб, таажжубланибди:

— Бу нимаси? Сиз ўлган эдингиз-ку, — дебди Навоий уй эгасига.

— Улуғ амир, — дебди шоир Ҳасаншоҳ Алишер Навоийга, — кеча сиз пул бермаганингизда, бугун мен ростдан ҳам ўлган бўлар эдим.

**_И. ОМОНОВ тайёрлади_**


## Табриклаймиз!

**_Давлат алоқа инспекцияси жамоаси Агентликнинг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Абдужаббор ОТАМУРОДОВни 50 ёшга тўлганлиги муносабати билан табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва келгуси ишларида муваффақиятлар тилаб қолади._**

**_Чироқчи почта алоқаси тармоғи жамоаси "Янгиқишлоқ" алоқа бўлими бошлиғи Нурмамат НАЗАРОВни 55 ёши ҳамда мазкур бўлим почтачиси Эгамберди ТОЖИЕВни 45 ёши билан самимий табриклаб, уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, ишларида улкан зафарлар тилайди._**

**_Коллективы филиала "Бухара Телеком" и областного объединенного комитета профсоюза работников связи сердечно поздравляют начальника экономического отдела филиала Тамару ИВАНКО с днем рождения и желают ей крепкого здоровья, долгих лет жизни, счастья и больших успехов в работе._**



МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир: Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — Ⓣ.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Манзилимиз: 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

159-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Адади: 9458 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: А.БЎРИЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.